

Единый портал корпоративной информации

Объявления

"Sardoba paxta tozalash" AJ

Объявление

"SARDOBA PAXTA TOZALASH" AKSIYADORLIK JAMIYATI

БАХОЛОВЧИЛАР УРТАСИДА ТАНЛОВ

“Сардоба пахта тозалаш” акциядорлик жамияти ва унга карашли барча пахта кабул килиш масканлари бино-иншоатлари ва асосий воситалари, 1 дона акцияни бозор киймати, жамият омборидаги товар моддий бойликларни ва бошқа асосий воситаларининг бозор баҳосини аниқлаш ҳамда баҳолаш ҳисоботларини экспертизадан ўтказиш мақсадида мустақил баҳоловчи ташкилотлар ўртасида танлов ўтказилиши ҳақида эълон қилади!

«Сардоба пахта тозалаш» АЖ устав фондида давлат улуши мавжуд.

Танловда иштирок этиш учун мустақил баҳоловчи ташкилотлар жамиятга қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилиши лозим:

- Баҳолаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия нусхаси;
- Ташкилот устави (барча ўзгартириш ва қўшимчалар билан) нусхаси;
- Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;
- Баҳоловчи ташкилотнинг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталовчининг мажбуриятлари кучга кирганлигини тасдиқловчи суғурта полиси нусхаси;
- Баҳолаш ҳамда экспертиза ишининг бажарилиш муддати ва хизмат ҳақи миқдори кўрсатилган тижорат таклифи;
- Лицензияловчи орган томонидан берилган баҳолаш ташкилоти раҳбари ва баҳоловчиларнинг малака сертификати нусхаси.

Тақдим этиладиган ҳужжатлар нусхалари тикилган ҳолда ташкилотнинг асосий муҳри билан тасдиқланган бўлиши шарт.

Тижорат таклифларини 2023 йил 13 декабр соат 17:00га қадар қуйидаги манзилга юборишингиз сўралади: Ўзбекистон Республикаси, 120400, Сирдарё вилояти, Околтин тумани, Куркам Диёр МФЙ, Гулистон- Гагарин шох кучаси.

Маълумот учун телефонлар: (97) 902-76-74

“Сардоба пахта тозалаш” АЖ маъмурияти.

06.12.2023

Дата: 07.05.2026